

Агар аёл жарроҳлик йўли билан фарзанд кўрган ва бунинг натижасида хайз

14:51 / 26.04.2016 3842

Агар аёл жарроҳлик йўли билан фарзанд кўрган ва бунинг натижасида хайз кўриш муддати 1 кун бўлиб қолган бўлса (китобларда камида 3 кун бўлиши айтилган), қолган икки кун ҳам хайз ҳисобланадими? Ёки намоз ўқийверса бўладими?

"Ҳайзнинг энг ози 3 кундур" деган ҳукм, қавл ханафий мазҳабига оид. Ханафий мазҳабининг уламолари "ҳайзнинг энг ози 3 кун бўлади" деган ҳукмни далил, ҳужжатлар асосида қабул қилишган. Лекин бошқа 3 мазҳаб моликий мазҳаби, ханбалий мазҳаби, шофеъи мазҳабларида "ҳайзнинг энг ози 1 кундир" дейилган. Шу билан бирга саволда келганидек хайзнинг одатга айланиб қолган муддати ўзгариш ҳолатлари ҳам бўлади. Буни фуқоҳоларимиз "муддатни бир ҳажмдан иккинчи ҳажмга кўчиб ўтиши" деган маънода. Ана шу "интиқолул мудда" хайз муддатини кўчишида демак 3 кундан оз бўлиб қолиши муддатларини ҳам ханафий мазҳабида ҳам олишган экан. Шу маънода бу савол бераётган, берилаётган саволдаги ҳолатга жавобимиз шу бўладики, ўша бир кунлиги аниқ бўладиган бўлса, ундан кейин ҳкч бир ҳайзнинг аломати сезилмасдан ҳудди "туҳур" поклик вақтидаги ҳолат, мунтазам равишда такрорланиб турган бўлса, ўша бир кунлик хайзда намозни тарк қилиб, қолганида намозни ўқийверса бўлади.